

ВИРУС ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИ БУЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Джумаева Насиба Собировна

*Самарқанд давлат тиббиёт университети,
Юқумли касалликлар кафедраси ассистенти,
E-mail: djumayeva.nasiba1986@gmail.com*

Резюме: Жигар циррози каби сурункали жигар зарарланишлари организмда чуқур ўзгаришларни келтириб чиқаради. Янги вирусли инфекция SARS-2 кўшилиши жараённинг чакмоқ тезлигида ривожланишига туртки берди. Биз турли этиологияли жигар циррозларига COVID-19 таъсирини ўрганиш учун текширувлар ўтаздик. Постковид синдромини ўрганиш мақсадида, анамнезида COVID-19 тасдиқланган ва анамнезида COVID-19 бўлмаган беморларни клиник ва лаборатор маълумотларини таққослаб чиқдик. Постковид синдромини ўрганиш мақсадида, анамнезида COVID-19 бор беморлар лаборатор текширувлари маълумотлари асосида, жигардаги чуқур ўзгаришлар аниқланди, буни беморларнинг лаборатор курсаткичлари исботлайди. Беморларда постковид синдроми клиникаси ёрқин белгиларга эга. COVID-19 ўлим учун юқори хавф омилidir. Инфекциянинг оқибатлари узок вақт давом етиши ва турли хил намоён бўлиши мумкин.

Калит сўзлар: жигар циррози, гепатит, COVID-19, алкогольга боғлиқ бўлмаган стеатогепатит, постковид синдроми.

Долзарблиги: COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб тез суратларда тарқалиб кетди. SARS-CoV-2 жигар инфекцияси COVID-19 бор беморларда жигардаги чуқур бузилишларга олиб келувчи асосий хал қилувчи омил хисобланади. COVID-19 беморларидаги асосий жигар ферментлари кўрсаткичлари бузилиши, касаллик оғирлик даражаси билан боғлиқ. Жигар ферментатив кўрсаткичларининг бузилиши, кўшимча ўзига хослик бўлиб, юқори клиник оғохликни талаб қилади.

Кириш. Жигар циррози бутун дунёда касалланиш ва ўлимнинг асосий сабаби хисобланади, аммо оғирлик ва асосий сабаблар турли минтақалар ва демографик гуруҳларда фарқ қилади. Кўпгина давлатларда цирроз саломатлик учун жиддий хавф хисобланади ва бу ҳолат охирига пайтда кўпайди. Гепатит В ва С лар олдини олиш ва даволаш бўйича самарали аралашувлар мавжудлигига қарамай, улар дунёда, айниқса кам даромадли мамлакатларда циррознинг асосий сабабидир. Яқин келажакда гепатит В ва С таъсири заифлашади ва алкогольга боғлиқ бўлмаган стеатогепатит таъсири юқори

бўлади. Жигар циррози бу зўрайиб борувчи жигар фиброзининг охириги босқичидир, бунда жигар архитектураси бузилиши кузатилади. [1]. Шундай қилиб, циррознинг энг кенг тарқалган сабаблари сурункали гепатит В ва С хисобланади., Жигар касаллиги алкоголь ва алкогольга боғлиқ бўлмаган стеатогепатит билан боғлиқ [2]. Циррознинг ривожланиришидаги асосий патогенетик омиллар паренхиманинг некрози, гепатоцитлар регенерацияси, зўрайиб борувчи фиброз ва жигар қон томирларининг ўзгаришидир. Гепатоцитлар некрозида хужайралар регенерациясини рағбатлантирувчи моддалар (цитокинлар, хемокинлар ва ўсиш омиллари) ажралиб чиқади. Жигарнинг нормал қон томир архитектоникасининг бузилиши, одатда одамдаларда 3-7 мм сим.ус.дан ошмайдиган дарвоза томирлари тизимидаги босимнинг ошишига олиб келади. [3]. Коронавирус касаллиги 2019 (COVID-19) вужудга келиши ва тарқалиши соғлиқни сақлаш тизимида глобал, жиддий муаммоларни туғдирди.. Кўпгина тадқиқотлар COVID-19 беморларида ошқозон-ичак ва жигардаги зарарланишлар ҳақида маълумот бермоқда. [4-8]. COVID-19 касаллигининг оғир шакллари кўпинча қариялар, ҳамроҳ касалликлари бор беморларда, шу жумладан астма, юрак қон томир касалликлари, диабет, гипертония, ўпканинг, буйракнинг сурункали касалликлари, саратон, семириш, психоактив моддалар истеъмоли ва психик бузилишларда кузатилади [9-14]. COVID-19 симптомлари ривожланишидан кейин келиб чиққан COVID-19 касаллиги белгилари беморда ўткир давр тугалланганидан кейин соғаймасдан 12 хафтадан кўпроқ давом этиб, бошқа ташхислар билан асосланмаса постковид синдроми билан аталади. Постковид синдроми респиратор, кардиал, гастроинтестинал, ренал, эндокрин, неврологик, психологик, ревматик, дермотологик ва нутритив етишмовчилик сифатида келиб чиқади. Гастроинтестинал варианты диспепсия, диарея, жигар функциясининг бузилиши (цитоллиз, жигар ичи холестази) сифатида намоён бўлади. [15]. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, беморлар турли даражадаги жигар функцияси бузилиши мавжуд - 1% дан 53% гача ўзгарган, асосан, билирубин концентрациясининг енгил ўсиши билан АСТ ва АЛТ концентрациясининг аномал кўрсаткичлари билан кузатилади. [16-19].

Тадқиқот мақсади: турли этиологияли жигар циррози бўлган беморларда постковид синдромининг ўзига хослигини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари: Биз Шимкент шаҳри Шаҳар шифохонаси нефрогастроэнтерология бўлимидаги 20 беморларда ретроспектив тадқиқот ўтказдик. Жигар циррози билан ётқизилган стационар беморларнинг 20 та касаллик тарихи ретроспектив ўрганиб чиқилди (11 эркак, 9 аёл). Ўртача ёш 50,3- /+11,4. Касаллик тарихи икки гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ (асосий) –

анамнезида COVID-19 ли постковид синдроми бор беморлар, 2 – гурух (назорат) –COVID-19 бўлмаган жигар циррози бор беморлар.

Тадқиқот натижалари. Лаборатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики 1 гурух беморларда жигар ферментлари синтези активлигининг оғир бузилиши рўйхатга олинди (юқори даражада). 2 гуруҳда жуда паст даражадаги ферментлар фаоллиги аниқланди. Постковид синдроми билан жигарнинг циррози бўлган беморларда ферментларнинг юқори даражадаги фаоллиги 2 гуруҳга қараганда анча кўп учрайди.

Хулоса. Жигар циррози бор беморлардаги постковид синдромида жигар ферментатив активлигининг ошиши ёмон оқибатларга ва беморларнинг ўлим ҳолатига олиб келиши анамнезида COVID-19 бўлмаган беморлар билан таққосланганда тезроқ кузатилади. (АЛТ) аланинаминотрансфераза ва (АСТ) аспарагинаминотрансфераза кўрсаткичлари етарлича ошиши (АЛТ 500-543МЕ/л гача, АСТ 1495МЕ/л гача) етарлича юқори кўрсаткичларда, динамикада тушмайдиган, бу юқори цитолиздан далолат беради. Ишқорий фосфотаза ва гаммаглутамилтранспептидаза (ГГТП) АЛТ ва АСТ миқдори қаторида юқори кўрсаткичларга эга. Шунингдек боғланган умумий билирубин, С-реактив оқсил миқдорининг ҳам ошиши, зўрайиб борувчи қон зардобидаги оқсил миқдорининг камайиши ва протромбин вақтининг чўзилиши аниқланди, бу жигар синтетик фаолиятининг бузилиши ва касалликнинг ўлим билан тугалланишига олиб келади. Ёмон озикланиш натижасида альбумин миқдорининг пасайиши аниқланди. Бир вақтнинг ўзида Шу билан бирга, нафас қисилиши, периферик шиш пайдо бўлиши, жараённинг декомпенсацияси қайд этилди.

Хулоса. Шундай қилиб, SARS-CoV-2 вируси ҳаётий тизимлар ва органлар томонидан жиддий оқибатларга олиб келади. Қоида тариқасида, касалликнинг оғир шаклидан кейин асоратлар ривожланади, аммо енгил шаклларида кейин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Агар беморда сурункали касалликлар бўлса, касаллик оғир кечиши ўлим билан тугалланиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Sobirovna D. N., Zakirovna U. G., Abdusalolovna S. D. Post-covid syndrome in new coronavirus infection // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 1106-1112.

2. Култаева Н. Ж., Джумаева Н. И. Развитие организаторских способностей студентов высших учебных заведений // Молодой ученый. – 2014. – №. 9. – С. 491-493.

3. Джумаева Н., Абдухамитова М., Шодиева Д. Клинико-лабораторная характеристика паротитной вирусной инфекции у взрослых в современных условиях // Журнал вестник врача. – 2012. – Т. 1. – №. 04. – С. 54-57.

4. Джумаева Н. и др. Характеристика клинических проявлений гипоксически-ишемического поражения у новорожденных в остром периоде // Журнал проблемы биологии и медицины. – 2016. – №. 2 (87). – С. 49-52.

5. Шодиева, Д., Рустамова, Ш., Абдухамитова, М., & Джумаева, Н. (2012). Ротавирусные гастроэнтериты. Журнал вестник врача, 1(04), 142–144. https://inlibrary.uz/index.php/doctors_herald/article/view/10850

6. Ярмухамедова Н. А. и др. Клиническо-эпидемиологические аспекты нейробруцеллеза по данным областной инфекционной клинической больницы города Самарканда // Вестник науки и образования. – 2020. – №. 18-2 (96). – С. 72-77.

7. ШОДИЕВА Д. А., ТАШПУЛАТОВ Ш. А. ОСЛОЖНЕНИЯ ПРИ ПИЩЕВОМ БОТУЛИЗМЕ (литературный обзор) // ЖУРНАЛ БИОМЕДИЦИНЫ И ПРАКТИКИ. – 2022. – Т. 7. – №. 5.

8. Шодиева Д. А., Ташпулатов Ш. А. Критерии тяжести основного процесса при ботулизме у детей // Children's Medicine of the North-West. – 2020. – Т. 8. – №. 1. – С. 403-403.

9. Ярмухамедова Н. А. и др. CLINICAL AND EPIDEMIOLOGICAL ASPECTS OF NEUROBRUCellosis ACCORDING TO THE INFORMATION OF SAMARKAND MUNICIPAL INFECTIOUS DISEASES HOSPITAL // Вестник науки и образования. – 2020. – №. 14-2. – С. 61-66.

10. Рузиева М., Шукуров Ф., Шодиева Д. Самарқанд вилоятида оив инфекцияси эпидемиологик аспектлари // Журнал вестник врача. – 2014. – Т. 1. – №. 01. – С. 11-13.

11. Курбонова Л. и др. Бруселлэз билан оғриган беморларда электрокардиограмманинг ўзига хос хусусиятлари // Журнал вестник врача. – 2014. – Т. 1. – №. 01. – С. 6-7.

12. Юсупова Н., Шодиева Д. Ботулизмнинг замонавий аспектлари // Журнал вестник врача. – 2014. – Т. 1. – №. 01. – С. 20-21.

13. Шодиева Д. А., Ташпулатов Ш. А., Джумаева Н. С. ВНЕШНЕЕ ДЫХАНИЕ ПРИ БОТУЛИЗМЕ У ДЕТЕЙ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ ОСНОВНОГО ПРОЦЕССА // Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 6 (131). – С. 35-43.

14. Джумаева Н., Абдухамитова М., Шодиева Д. Клинико-лабораторная характеристика паротитной вирусной инфекции у взрослых в современных условиях // Журнал вестник врача. – 2012. – Т. 1. – №. 04. – С. 54-57.

15. Джумаева Н. С., Восеева Д. Х., Абдурахмонова З. Э. Современный взгляд на лечение лямблиоза // Достижения науки и образования. – 2020. – №. 16 (70). – С. 65-69.
16. Джумаева Н. С., Ярмухамедова Н. А., Узакова Г. З. Амалиётдан бир ҳолат Covid-19 касаллиги ҳамроҳ касалликлар билан кечиш хусусиятлари // Самарканд: Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. – 2021.
17. Узакова Г. З., Ярмухамедова Н. А., Джумаева Н. С. Болаларда коронавирус инфекцияси кечишининг узига хос хусусиятлари // Самарканд: Журнал гепато-гастроэнтерологических исследований. – 2021.
18. Бахриева З.Д., Жумаева Н.С., Узакова Г.З. Проблемы биологии и медицины Самарканд вилояти Юқумли касалликлар клиник шифохонаси материаллари асосида ҳомиладор аёлларда салмонеллэз касаллиги кечиш хусусиятларини таҳлил қилиш 2021. №1.1 (126). С.58-61.
19. Бахриева З., Джумаева Н., Эрназаров А. Применение «энтерола» в лечение секреторных диарей у детей // Журнал проблемы биологии и медицины. – 2014. – №. 3 (79). – С. 90-91.
20. Ярмухамедова Н. А., Джумаева Н. С., Восеева Д. Х. ПОСТКОВИД синдромда неврологик ўзгаришлар // Uzbek journal of case reports. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 74-76.
21. Sobirovna D. N. NEUROLOGICAL CHANGES IN POST-COVID SYNDROME // Лучшие интеллектуальные исследования. – 2024. – Т. 19. – №. 4. – С. 50-55.
22. Мирзажонова Д.Б., Бахриева З.Д., Абдухалилова Г.К., Имамова И.А. Тошкент тиббиет академияси ахборотномаси Сальмонеллэзов на современном этапе (обзор литературы). № 5 2021, 104-110.
23. Мирзажонова Д. Б., Бахриева З. Д. Журнал гепато - гастроэнтерологических исследований. Ежеквартальный научно-практический журнал №1 (Том 1) “Болаларда салмонеллез касаллиги тарқалган шакли клинико лаборатор кечиш хусусиятлари” 2021 год. С. 90-92.
24. Шодиева Д. и др. Ротавирусные гастроэнтериты // Журнал вестник врача. – 2012. – Т. 1. – №. 04. – С. 142-144.
25. Zakirovna U. G., Abdjalolovna S. D. ANALYSIS OF EFFECTIVENESS OF ANTIBIOTICS IN RECURRENT TYPES OF ERYSIPELAS DISEASE IN SAMARKAND REGION // Лучшие интеллектуальные исследования. – 2024. – Т. 19. – №. 4. – С. 62-68.
26. Shodieva D. A. et al. Botulizm kasalligi tashxisotida PSR diagnostika ahamiyati // Science and Education. – 2023. – Т. 4. – №. 5. – С. 524-529.